

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА  
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДАВИРОВ ШАРОФ МАЖИДОВИЧ**

**УЗУН НАЙСИМОН СУЯКЛАРНИНГ ЖАРОХАТ ВА  
ОСТЕОМИЕЛИТДАН КЕЙИНГИ СУЯК ТЎҚИМАСИ  
ДЕФЕКТЛАРИДА ДАВОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.22 - Травматология ва ортопедия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**УҮК: 616-001+616.71-018.46-002:611.718-616-06**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) диссертации**

**Contents of the abstract of Doctor of Philosophy (PhD) Dissertation**

**Давиров Шароф Мажидович**

Узун найсимон сүякларнинг жарохат ва остеомиелитдан кейинги сүяк тўқимаси дефектларида даволаш усулини такомиллаштириш..... 3

**Давиров Шароф Мажидович**

Усовершенствование метода лечения больных с посттравматическими, постостеомиелитическими дефектами костной ткани длинных трубчатых костей..... 23

**Davirov Sharof Majidovich**

Improving the method of treating patients with post-traumatic, post-osteomyelitis defects of bone tissue of long tubular bones .....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА  
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДАВИРОВ ШАРОФ МАЖИДОВИЧ**

**УЗУН НАЙСИМОН СУЯКЛАРНИНГ ЖАРОХАТ ВА  
ОСТЕОМИЕЛИТДАН КЕЙИНГИ СУЯК ТЎҚИМАСИ  
ДЕФЕКТЛАРИДА ДАВОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.22 - Травматология ва ортопедия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Tib2520 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uznito.uz](http://www.uznito.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Уринбаев Пайзилла Уринбаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Борзунов Дмитрий Юрьевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Каримов Муродилла Юлдашевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Академик Н.Д Батпенов номидаги**  
**травматология ва ортопедии миллий илмий**  
**маркази. Астана. Қозоғистон.**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_\_\_» соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Махтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: [niito-tashkent@yandex.ru](mailto:niito-tashkent@yandex.ru), Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Махтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Э. Ирисметов**

Илмий даражада берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

**У.М. Рустамова**

Илмий даражада берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари доктори (DSc), катта илмий ходим

**А.П. Алимов**

Илмий даражада берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий  
семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

## **КИРИШ фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Узун найсимон суюкларнинг, айниқса кучли таъсирдан кейинги жароҳатлар натижасида юзага келган суюк тўқимаси дефектлари қўл-оёқлар реконструктив жарроҳлигига долзарб муаммо ҳисобланади. Биринчи даражадаги травматология бўлимида ўн йил давомида ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, бундай дефектлар даволанган синишлар умумий сонининг 0,4% ни ташкил қиласди, энг юқори частота болдирида (68%), сўнгра сонда (22%) кузатилади<sup>1</sup>. Узун найсимон суюкларнинг очик синишларининг асорати бўлиб, йилига 100000 кишига 11,5 да кузатилади. Улар кўпроқ эркаклар орасида учрайди ва ёш бўйича бимодал тақсимланади. Ушбу ҳолатлар туфайли анъанавий суюк пластикаси алоҳида ёки бошқа усуллар билан биргаликда қўлланилганда дефектларни даволашдаги муваффақиятсизликлар «... 2,6 дан 53% гача, суюк дефектларида – 60% гача учрайди, бу 11,6-92% ҳолларда ногиронликка олиб келади...»<sup>2</sup>. Ушбу кўрсаткичнинг ўсиш тенденцияси давлатлар учун иқтисодий йўқотишларнинг ортишини кўрсатиб, bemorlarни даволаш ва реабилитациясида самарали ёндашувларни ишлаб чиқиши мухимлигини кўрсатади. Туғма касалликлардан тортиб таянч-харакат тизимидағи шикастланишлар оқибатларигача бўлган турли сабаблар меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамлар орасида бирламчи ногиронлик ҳолатларининг кўпайишига олиб келади, бу эса жамиятнинг иқтисодий фаровонлигига салбий таъсир қиласди.

Остеосинтез усулларида ташқи фиксация мосламаларидан фойдаланиш илғор даволаш стратегияси ҳисобланади. Ушбу ёндашув суюк бўлакларини суюк тўқималари билан бевосита контактизиз ишончли фиксациясини таъминлаб, аралашувнинг травматик хусусиятини ва инфекцион асоратлар хавфини минималлаштиради. Жаҳонда суюк дефектларини даволаш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда, шу жумладан Илизаров асбоблари орқали амалга ошириладиган динамик дистракцион остеогенез усули ишлаб чиқилмоқда, бу суюк тўқималарининг ўсишини фаоллаштиришга ёрдам беради, бу эса сезиларли нуқсонларни компенсациялаш ҳамда суюкларнинг анатомик яхлитлигини ва функционаллигини тиклашга имкон беради. Бундай технологияларнинг самарадорлиги bemorlarнинг тўлиқ сифатли ҳаётга қайтиши тезлашишига олиб келади, уларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилайди ва тезроқ ижтимоий ва касбий реабилитация жараёнинга ҳисса қўшади.

Республикамизда тиббиёт фани ва соғлиқни сақлаш соҳасининг ҳозирги ривожланиш босқичида таянч-харакат тизими патологияси, шу жумладан узун найсимон суюкларнинг суюк тўқимасида сезиларли дефекти бўлган

<sup>1</sup> Molina CS, Stinner DJ, Obremskey WT. Treatment of Traumatic Segmental Long-Bone Defects: A Critical Analysis Review. JBJS Rev. 2014 Apr 1;2(4):e1.

<sup>2</sup> Hoit G, Kain MS, Sparkman JW, Norris BL, Conway JD, Watson JT, Tornetta P 3rd, Nauth A. The induced membrane technique for bone defects: Basic science, clinical evidence, and technical tips. OTA Int. 2021 Apr 15;4(2 Suppl):e106(1-5).

беморларни даволаш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаолликни оширишга қаратилган мақсадли чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат самарадорлигини тубдан ошириш вазифаси долзарб бўлиб турибди. Таянч-харакатланиш тизимининг функцияларини тиклашга ёндашувларни оптималлаштиришга ёрдам берадиган диагностика ва жарроҳлик усули билан даволашнинг инновацион тамойилларини жорий этиш муҳим йўналиш ҳисобланади. Замонавий ортопедияни ривожлантириш стратегиясининг устувор йўналишларидан бири замонавий технологиялар ва усулларни, шу жумладан профилактика, консерватив ва жарроҳлик ёндашувларини қўллаш орқали даволаш натижаларини яхшилашни ўз ичига олади. Давлат дастурлари ва стратегиялари доирасида, жумладан, 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш дастурида «... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар...»<sup>3</sup> белгиланган. Ушбу чора-тадбирлар узун найсимон суюкларнинг сезиларли дефектларини даволашда аҳамиятли ютуқларга эришишга қаратилган бўлиб, бу ушбу соҳанинг ортопедик жарроҳлик ва умуман тиббиётда долзарблиги ва устуворлигини таъкидлайди.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 июндаги № ПҚ-283-сон «Аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-№215-сон «Бирламчи тиббий ёрдамни аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизмат самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 12 апрелдаги ПҚ №-б-сон «Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ресурсларини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қиласи.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Республикаизда фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Узун найсимон суюклардаги дефектларни даволаш травматология ва ортопедия соҳасидаги мураккаб вазифа бўлиб, мультидисциплинар ёндашувни ва bemornining шахсий эҳтиёжларини ҳисобга олишни талаб қиласи. Даволаш вариантларидан тикловчи ва реконструктив усуллар, жумладан васкуляризацияланган суюк трансплантатлари ёки Маскуле техникаси каби аутологик суюк материалидан фойдаланиш каби усуллар мавжуд (Istvan et al., 2020). Тикловчи усулнинг

<sup>3</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

асосини дистракцион остеогенез ташкил қиласи. Даволаш усулини танлаш кўплаб омилларга, шу жумладан дефектнинг катталигига ва беморнинг аҳволига боғлиқ (Gouron, 2016). Ушбу дефектларни даволаш усуллари уларнинг катталигига, жойлашишига ва сабабига боғлиқ. Беморнинг аҳволини, йўлдош қасалликларини ва шахсий эҳтиёжларини ҳисобга олиш муҳимдир. Ваксуляризацияланган суюк трансплантатларидан фойдаланиш каби реконструктив усуллар йўқотилган суюк тўқимасини ўрнини алмаштиришга қаратилган (El-Rosasy, 2019). Бироқ, бу усул ҳар доим ҳам катта дефектни ўрнини босишга имкон бермайди, бундан ташқари, муайян даволаш усулини танлаш бемор ҳақидаги барча мавжуд маълумотларни, шу жумладан унинг анамнезини, соғлигининг ҳозирги ҳолатини ва шахсий хоҳишлирини ҳар томонлама таҳлил қилишга асосланган бўлиши керак. Ушбу ёндашув қўл-оёқ функцияларини максимал даражада тиклашга ва bemorning ҳаёт сифатини яхшилашга имкон беради (Rosslenbroich, S.B. et al., 2023). Травматик жароҳатларнинг оқибатлари нуқтаи назаридан суюк дефектлари ва узун суюкларнинг псевдоартрози барча жароҳатлар орасида учинчи ёки тўртинчи ўринни эгаллайди. Ушбу патологиялар натижасида келиб чиқадиган анатомик ва функционал бузилишлар асосан меҳнатга лаёқатли ёшдаги bemorларнинг 11,6-44,9% да доимий ногиронликка сабаб бўлади (Шевцов В.И., Борзунов Д.Ю., 2008; Борзунов Д.Ю., 2011). Илизаров усули ушбу ҳолатларни даволашда сезиларли ютуқларни беради, аммо кўплаб тадқиқотчилар таъкидлаганидек, у бир қатор чекловлар ва қийинчиликларга эга. Улар орасида даволаниш жараёнининг давомийлиги ва кўп босқичли табиати, шунингдек, bemorni доимий равища динамик кузатиб бориш зарурлиги таъкидланган, бу унинг тиббий муассасада узок вақт қолишини англатади (Karger et al., 2012). Бундан ташқари, Илизаров усулини қўллашдаги қийинчиликларга тиббий ходимлардан маҳсус маҳорат, эътибор ва тажрибани талаб қиласиган жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда қурилма билан манипуляция қилиш зарурати, мунтазам боғловлар, рентген текширувлари киради (Р.М. Тихилов, А.Ю. Кошиш, Л.А. Радоманова, Д.И. Кутянов, А.О. Афанасьев, 2011; Л.Н. Соломин, Ф.К. Сабиров, 2015).

Мамлакатимизда узун найсимон суюклардаги дефектларни даволаш Илизаров суюк орқали остеосинтези, экстракортикал фиксаторлардан фойдаланиш, шунингдек, комбинирланган остеосинтез каби турли хил замонавий усулларни ўз ичига олади. Ушбу технологиялар қўл-оёқ функцияларини тиклашга ва bemorларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам берадиган, катта дефектларни ўрнини босишга имкон беради (Салиев М.М. ва ҳаммуал., 2017). Инновацион ёндашувлар орасида сурункали остеомиелитни мустаҳкамловчи маҳаллий антибактериал воситалар, масалан, антибиотиклар қўшилган мустаҳкамловчи цемент имплантлари ёрдамида даволаш ажралиб туради. Бу усул инфекцияга қарши курашда ва суюк тўқималарининг тикланиш жараёнини рағбатлантиришда яхши натижаларни кўрсатади (Юлдашев А.А. ва ҳаммуал. 2015; Аллаеров А.М. ва ҳаммуал., 2022). Ўзбекистонда узун найсимон суюклар дефектларини даволашнинг замонавий усуллари самарадорлигини тасдиқлайдиган, травматология ва

ортопедия учун янги имкониятлар очадиган тадқиқот ва амалий тажрибага қарамай, бу узун найсимон сүяклар дефектларини даволаш муаммосини ҳал қилмайди (Тилавов Р.Х. ва ҳаммуал., 2017).

Хозирги адабиётлар сегментар сүякларнинг йўқотилиши бўйича клиник ҳолатлар, ҳолатлар серияси ва кузатув тадқиқотлари билан чекланган. Синиш регистридаги ўн йиллик маълумотлар шуни кўрсатадики, туман даражасидаги травматология бўлимида даволангандар барча синишларнинг 0,4% сүяк тўқималарнинг йўқотилиши билан боғлиқ. Худди шу регистрдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, сүякларнинг йўқолишининг энг кўп учрайдиган жойи катта болдир сүяги (68%), сўнгра сон сүяги (22%) ҳисобланиб, қолган синишлар турли жойларда тенг тақсимланган. Катта болдир сүяги нуқсонларини қўшимча ретроспектив кўриб чиқиш шуни кўрсатдики, 725 синишларнинг 3,6% да 3 см дан ортиқ сүяги йўқотилган, бунда катта болдир сүягининг диафизи (6%) ва проксимал қисми (4%) йўқотилиши билан солиштирганда дистал қисмida сүяк йўқотилишининг фоизи юқори (2%). Сегментар сүяк дефектлари шикастланган қўл-оёқларни тиклашда мураккаб клиник вазифани ифодалайди. Ушбу муаммоларни эрта даволаш ампутация ёки қисқартиришни ўз ичига олган бўлса, кейинги усууларга сүяк чўзилиши, сүяк пайвандлаш ва дистракцион остеогенез киради (Molina CS at al., 2014). Бундан ташқари, муаллифлар сон сүяги дефектларини ўз-ўзидан тикланиши ҳақида хабар беришган. Hinsche ва бошқ., тўртта bemornining бир қатор ҳолатларида, сон сүягининг 6 дан 15 см гача бўлган нуқсонлари ўртacha саккиз ой ичида ўз-ўзидан спонтан тузалганлигини хабар қилишди. Худди шу гурух, шунингдек, ўз-ўзидан даволанадиган катта болдир сүягининг 14 сантиметрлик диафизар дефекти бўлган bemornining ҳолати ҳақида хабар берди. Бироқ, бундай натижалар камдан-кам учрайди, айниқса катта болдир сүягини 2 см дан катта диафизи сегментар дефектларида.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2015-2023 йиллардаги илмий-тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** Илизаров аппарати учун дистракцион-фиксацион модулини ишлаб чиқиши орқали узун найсимон сүякларнинг сүяк дефектларини даволаш натижаларини яхшилаштирди.

#### **Тадқиқот мақсадлари:**

узун найсимон сүякларнинг диафизининг сүяк тўқимасида дефектлари бўлган bemorlarни аввалги даволаш тажрибасини таҳлил қилиш, мавжуд усуулардан фойдаланиш билан боғлиқ хатолар ва асоратларни аниқлаш;

Илизаров аппарати қўлланилганда сүяк дефектларини ўрнини алмаштириш техникасини такомиллаштириш учун сүяк бўлакларини кам шикастли фиксациялаш элементлари билан дистракцион-фиксацион модулни ишлаб чиқиши;

травмадан кейинги ва остеомиелитдан кейинги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда узун найсимон сүяклар диафизининг сүяк тўқимасида

дефектлари бўлган bemorlarни самарали даволаш учун даволаш-диагностика алгоритмини яратиш;

дистракцион-фиксацион модул ёрдамида узун найсимон суякларнинг суяк дефектлари бўлган bemorlarни даволаш натижаларини оптималлаштириш учун ёрдамчи воситаларни ишлаб чиқиш;

**Тадқиқот обьекти** 2015-2023 йиллар давомида Республика Травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали ва Россия Федерациясининг академик Г.А. Илизаров номидаги Травматология ва ортопедия илмий тиббий тадқиқот маркази базасида қўл ва оёқларнинг узун найсимон суякларида дефекти билан даволангандан ҳар икки жинсдаги 62 нафар bemor бўлди.

**Тадқиқот предмети** тадқиқот натижаларига қўра қўл-оёқларнинг узун найсимон суяклари диафизининг травмадан кейинги, остеомиелитдан кейинги дефектлари жарроҳлик даволанишининг бевосита ва узоқ муддатли натижалари ўргангандан bemorлар бўлди.

**Тадқиқот усуllари.** Тадқиқотда клиник, лаборатор, инструментал (рентгенологик, МРТ, ультратовуш) ва статистик усуllар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

биз ишлаб чиқсан узун найсимон суяк дефектларини дистракцион-фиксацион модули ёрдамида жарроҳлик йўли билан даволаш усули суяк тўқималарига янада самарали таъсир кўрсатиши, bemorlarни стационар даволаш вақтини қисқартириши ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаши, шу жумладан жисмоний фаолият 14,7% га яхшиланиши исботланган, бу SF-36 сўровномаси натижалари билан тасдиқланган;

қониқарсиз натижалар хавфини камайтирадиган, индивидуал хусусиятларга ва дефектнинг ўлчамига мослаштирилган узун найсимон суякларнинг дефектларини батафсил ташхислаш ва даволаш усулини танлаш учун алгоритм ишлаб чиқилган;

остеосинтез учун оптималлаштирилган геометрик параметрлар ва юмалоқ қирралари бўлган иккита носимметрик бурмалар билан стержен-шуруп ишлаб чиқилган бўлиб, терининг шикастланишини ва чандиқ кенглигини 2 баравар камайтиради, шу билан бирга юқори эгилиш кучини сақлаб қолади ва bemor учун муолажанинг қулайлигини яхшилайди;

суяк илиги канали, юмшоқ тўқималар ва суяк қирраларининг яхлитлигини сақлаб, кам шикастли остеотомияни таъминлайдиган эгилган кесувчи қирраси ва симметрик чекловчи майдончалари бўлган остеотом ишлаб чиқилган бўлиб, бу унинг асоратлар хавфини камайтириш ва жарроҳлик жараёнини соддалаштиришда самарадорлилигини исботлайди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

клиник амалиётда дистракцион-фиксацион модулдан фойдаланиш Илизаров усулининг узоқ найсимон суяклардаги дефектларини даволашда иқтисодий самарадорлилигини ошириши, соғлиқни сақлаш ресурсларини оптималлаштиришга ва даволашни амалга оширишга ёрдам бериши исботланган;

Илизаров аппаратида дистракцион-фиксацион модулдан фойдаланиш даволаш натижаларини яхшилаши, ногиронлик хавфини камайтириши ва беморларнинг ижтимоий мослашуви тезлашишига ёрдам бериши, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаши аниқланган;

узун найсимон сүяклар дефектлари бўлган беморларда таянч-харакат тизимиши ўрганиш методологияси такомиллаштирилган, бу диагностиканинг аниқлигини ва даволаш самарадорлигини оширган;

Илизаров аппаратида дистракцион-фиксацион модулдан фойдаланиш такомиллаштирилган, бу узун найсимон сүяклардаги дефектларни даволашнинг иқтисодий ва клиник самарадорлигини оширишни таъминлайди, шу билан даволаш имкониятларини кенгайтиради ва тикланишни янада қулайроқ қиласди;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда замонавий тасдиқланган қўшимча клиник, инструментал, лаборатор ва статистик усуллардан фойдаланиш; тадқиқотда етарли микдордаги беморлар, олинган натижаларнинг адабиётларнинг назарий ва амалий ҳисоб-китобларига мувофиқлиги, олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққослаш, ваколатли тузилмалар томонидан олинган натижаларни текшириш билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий шундан иборатки, Илизаров аппаратини қўллаш билан интеграцияланган узун сүяк дефектларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг ишлаб чиқилган усули сүякларнинг регенерацияси тушунчасини яхшилайдиган, назарий тиббиётдаги синишларнинг битиш механизмлари ва тўқималарнинг регенерацияси ҳақидаги билимлар билан бойитадиган илмий асосланган ёндашувдир, у ортопедия ва травматология бўйича келажакдаги тадқиқотлар фонди учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, узун найсимон сүяклардаги сүяк дефектларини даволашда Илизаров аппаратини қўллаш билан интеграцияланган, модификацияланган остеотом ва стержен-шурупни қўллаш ҳамда клиник амалиётда даволаш-диагностик алгоритмдан фойдаланиш оёқ-қўлларнинг функцияси ва шаклини тезда тиклаш, даволаниш ва касалхонага ётиш вақтини қисқартириш орқали узун найсимон сүякларида сүяк дефектлари бўлган беморларни даволашни сезиларли даражада яхшилайди, шунингдек, ногиронлик даражасини пасайтиришга ёрдам беради, бу умуман олганда беморларнинг ҳаёт сифатини ва даволаш жараёнининг самарадорлигини оширади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Самарқанд давлат тиббиёт университети Эксперт комиссиясининг 2024 йил 6 майдаги 38-сонли хулосасига кўра:

**Биринчи илмий янгилик:** Илизаров аппарати учун дистракцион-фиксацион модул ишлаб чиқилган бўлиб, унда сүяк бўлакларини кам шикастли фиксация элементлари мавжуд бўлиб, бу сүяк тўқималарига янада самарали таъсир кўрсатишга имкон беради. Бу узун найсимон сүякларнинг

сүяк дефектлари бўлган беморларни стационар даволаш муддатини кисқартиришга ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради. Илмий янгилик Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси патентлари билан тасдиқланган. Усул тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш марказининг кўп тармоқли клиникасида (18.11.2021 й., №60-3), Бухоро туман тиббиёт бирлашмасида (05.11.2022 й., №71) ва Республика ихтисослашган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиалида (02.11.2021 й., №55-И) жорий қилинган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуидагича:* қурилма билан манипуляциялар сони 16 баравар камайди, бунда беморнинг ўзи мустақил равишда уларни бажаради; ушбу модулнинг *иқтисодий самарадорлиги* стационар даволаниш кунларини 6,6 баравар (63 кундан 9,5 кунгача) қисқартириш имконини берди, бу эса беморни амбулатория шароитида бошқариш ҳисобига ҳар бир бемор учун харажатларни 10352250 сўмга камайтирди. **Хуроса:** Илизаров аппарати учун кам шикастли фиксация билан ишлаб чиқилган дистракцион-фиксацион модул сүяк дефектларини даволашни тезлаштиради, стационар вақтини 6,6 баравар камайтиради ва даволаш харажатларини камайтиради, Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикасининг патентлари билан тасдиқланган бўлиб беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилайди, тиббиёт марказларига жорий этилган.

**Иккинчи илмий янгилик:** ҳар бир аниқ ҳолатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ва асоратлар хавфини минималлаштирган ҳолда кейинги даволаш тактикасини аниқлашга имкон берадиган ташхислаш-даволаш алгоритми яратилди. Алгоритмнинг амалий қўлланилиши шифокорнинг қарор қабул қилиш жараёнини соддалаштиради ва беморнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оптимал даволаш стратегиясини танлашга ёрдам беради. *Ижтимоий аҳамияти қуидагилардан иборат:* клиник ва радиологик кўрсаткичларни, МРТ ва МСКТ маълумотларини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган алгоритмдан фойдаланиб, сүяк дефектининг катталигига қараб жарроҳлик даволаш усулини танлаш узун найсимон сүякларнинг сүяк нуқсонини даволашнинг функционал ва анатомик натижаларини яхшилади, стационар даволаниш муддатини қисқартириди, реабилитацияни эрта бошлаш ва тўлиқ тикланиш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлик қуидагиларни ўз ичига олади:* дефект ҳажмига қараб, жарроҳлик техникаси усулини танлаш учун табақалаштирилган ёндашув қўлланилади, бу текширув вақтида жарроҳлик даволашнинг тўғри тактикасини танлаш имконини беради. Алгоритмга қўра, бемор тактикага қараб 590 000 дан 1073000 сўмгача тежаш имкониятига эга бўлди. **Хуроса:** яратилган даволаш-диагностик алгоритми клиник ва диагностика маълумотларини таҳлил қилиш асосида даволаш тактикасини аниқлайди, асоратлар хавфини камайтиради, сүяк дефектларининг даволаш

натижаларини яхшилайди ва беморларнинг иқтисодий самарадорлиги ва тез тикланишини таъминлайдиган стационар вақтини қисқартиради.

*учинчи илмий янгилик:* остеосинтез учун геометрик кўрсаткичларга эга ва қирралари айланма қилинган иккита симметрик кесмали оптималлаштирилган стержен-шуруп ишлаб чиқилган бўлиб, дистракциянинг шикастловчи таъсирини, айниқса беморнинг терисига шикастловчи таъсирини камайтиради. Дистракция муолажасини такомиллаштириш беморга қулайликни оширади ва инфекцияланиш хавфини камайтиради. Ушбу стержен-шурупдан фойдаланиш даволаниш пайтида травматизмни минималлаштиришда муваффақиятни намойиш этади, бу эса хавфсизроқ ва самаралироқ реабилитацияга хисса қўшади.

Илмий янгилик Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси патентлари билан тасдиқланган. *Ижтимоий аҳамият* қуидагилардан иборат: стержендан кейинги чандиқнинг катталиги 50% га камайди ва қурилма қўйилган вақтда беморнинг оғрикли ҳислари 0,81 баравар камайди (ВАШ шкаласи бўйича), шунингдек, яллиғланиш жараёнлари 41,3% га камайтирилди; *Иқтисодий самарадорлик* шундан иборатки, беморда яллиғланиш асоратларини камайтириш тақрорий амбулатор ёки стационар даволанишни олдини олади, бу эса харажатларни кунига ўртacha 38 000 сўмга, даволаш курси учун эса 276 000 сўмга камайтиради. **Хулоса:** оптималлаштирилган геометрия ва носимметрик лискалар билан остеосинтез учун мўлжалланган стержен-шуруп шикастланишни камайтиради ва дистракцияда инфекцион асоратлар хавfinи камайтиради, беморнинг қулайлигини яхшилайди ва самарали реабилитацияга ёрдам беради, оғриқ хиссини ва операциядан кейинги асоратларни камайтиради, бу эса даволаниш харажатларини сезиларли даражада тежайди.

*тўртинчи илмий янгилик:* суюк кўмиги канали, юмшоқ тўқималар ва суюк қирраларининг яхлитлигини сақлаб, кам травматик остеотомияни таъминлайдиган эгилган кесувчи қирраси ва симметрик чекловчи майдончалари бўлган остеотом ишлаб чиқилган. Бу асоратлар хавfinи сезиларли даражада камайтиради ва жарроҳлик жараёнини осонлаштиради. Ушбу воситани амалиётга жорий этиш жарроҳнинг техник имкониятларини яхшилаш, жароҳатларни минималлаштириш ва беморнинг тикланиш жараёнини тезлаштиришни кўрсатади. Илмий янгилик Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси патентлари билан тасдиқланган. Усул тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш марказининг қўп тармоқли клиникасида (18.11.2021 й., №60-3) Бухоро туман тиббиёт бирлашмасида (05.11.2022 й., №71) ва Республика ихтисослашган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиалида (02.11.2021 й., №55-И) жорий қилинган, бу узун суюкларнинг диафизидаги

дефектларни тиклаш самарадорлигини ва травмадан кейинги ва остеомиелитдан кейинги дефектларни даволаш сифатини оширади. *Ижтимоий аҳамияти:* остеотом, ўлчамига қараб 5-5,5; 10-11 см суяк дефектларини ўрнини босиш кунлари сонини 0,94; 0,95 мартага камайтиришга имкон берди. *Иқтисодий самарадорлик* шундан иборатки, суяк дефектининг битиш кунлари сонини 5,3%; 5,0% га камайтириш bemорга иш қобилиятини тезроқ тиклашга имкон беради, бу меҳнатга лаёқатсизлик тўловларини иш ҳақидан 14,1% га камайтиради. *Хулоса:* суяк илиги канали, юмшоқ тўқималар ва суяк илиги каналинининг яхлитлигини сақлаб, кам шикастли остеотомияни таъминлайдиган эгилган кесувчи қирраси ва симметрик чекловчи майдончалари бўлган остеотом ишлаб чиқилган бўлиб, дефектларни тиклашни яхшилайди, реабилитация вақти ва харажатини камайтиради, бу патентлар билан тасдиқланган, тиббий амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон килинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақолалар, жумладан, 4 та республика, 4 та хорижий журналларда нашр этилган, хамда 1 та ихтиро патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида узун найсимон суяклардаги дефектларни даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари баён қилинган, ўрганиш обьекти ва предмети тавсифланган хамда тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши тўғрисидаги маълумотлар ва диссертация мавзуси бўйича нашрлар тақдим этилган, диссертациянинг тузилиши тавсифланган.

«Узун найсимон суяк дефектларини даволашнинг классик ёндашувлари ва замонавий тенденциялари» номли биринчи боби адабиётлар шархига ва узун найсимон суяк дефектларини даволашнинг классик ва замонавий

усулларини таҳлилий ўрганишга бағищланган. У касалликларнинг этиологияси, патогенези, эпидемиологиясини таҳлил қилишни, шунингдек диагностика ва даволашга турли ёндашувларни, шу жумладан Илизаров усулини ўз ичига олади.

Диссертация тадқиқотининг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари. Беморларнинг клиник-статистик хусусиятлари**» номли иккинчи боби доирасида қўлланилган материаллар ва усуллар батафсил тавсифланган ва қўл-оёқларнинг узун найсимон суяклари дефектлари (УНСН) бўлган bemорларнинг клиник-статистик тавсифи ўтказилган. Тадқиқот архив маълумотлари, тиббий ёзувлар, 2015 йилдан 2023 йилгача иккита тиббиёт муассасасида даволангандаги 62 нафар bemорни текшириш ва даволаш натижаларини таҳлил қилишга асосланган. Беморлар даволаш усулига қараб икки гурухга бўлинган: биринчи (acosий) гурухга Республика Травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалининг суяк-бўғимлар йирингли асоратларига ихтисослаштирилган бўлимидан 26 нафар bemор, иккинчи (назорат) гурухга Россия Федерацияси академик Г. А. Илизарова номидаги Травматология ва ортопедия тиббий тадқиқот марказидан (Курган ш) 36 нафар bemор кирди.

Тадқиқот учун bemорлар маълум тадқиқотга киритиш ва чиқариш мезонлари асосида танланган. Киритишининг асосий кўрсаткичлари узун найсимон суякларнинг орттирилган дефектининг мавжудлиги, 18 ёшдан катта, асосий этиологик омиллар сифатида синиш ва остеомиелит бўлди. Тадқиқотдан чиқаришга bemорларда оғир соматик ҳолатлар, аёлларда ҳомиладорлик ва лактация, руҳий бузилишлар, остеомиелитнинг қўзғалиш даври, қўл-оёқларнинг аниқ ангиографик бузилишлари ва тери қопламаларининг яллиғланишли касалликлари мавжудлиги сабаб бўлди.

Назорат гуруҳида узун найсимон суяклардаги дефектларни ўрнини босиши усулининг асоси дистракцияга классик ёндашув билан Илизаров аппаратидан фойдаланиш ташкил қилди. Курилманинг гайкалари билан бир неча манипуляция зарурати билан боғлиқ бўлган дистракция жараёнини бошқаришнинг меҳнати кўплиги ва мураккаблиги таъкидланган.

Асосий гуруҳда дефектларни ўрнини алмаштиришга инновацион ёндашувлар тақдим этилган, шу жумладан дистракция жараёнини соддалаштирилган ва назоратли бошқаришни таъминлайдиган ДФМ дан фойдаланилган. Бу меҳнат харажатларини камайтиради ҳамда bemорлар ва тиббиёт ходимлари учун қулайликни оширади.

Тадқиқот методологияси диагностика ва даволашга комплекс ёндашувни, шу жумладан клиник, антропометрик, физиологик ва лаборатор текширув усулларини, шунингдек, рентгенография, компьютер томографияси ва бактериологик текширувни ўз ичига олган инструментал усулларнинг кенг доирасини қамраб олди. Даволашнинг муҳим қисми Илизаров усули ва аппаратидан фойдаланиш бўлиб, такомиллаштирилган усул билан тўлдирилди, унинг мақсади суяк дефектларини тикланишига эришиш бўлди.

Клиник-статистик тавсифлаш жараённида bemорларнинг ёши 18 ёшдан 65 ёшгача бўлганлиги, 36-49 ёш гуруҳларида ва 50 ёшдан ошганлар кўплиги

аниқланди. Кўпгина беморларда касалликнинг давомийлиги 2 йилдан ошди, бу патологиянинг сурункали хусусиятини кўрсатди. Синишлар ва остеомиелит УНСД нинг асосий сабабларидан бири бўлиб, бу касалликнинг мураккаблиги ва мултифакториал хусусиятини тасдиқлади. Маълумотларнинг статистик таҳлили математик статистика усуллари, шу жумладан Стыодент ва Манн-Уитни мезонлари ёрдамида амалга оширилди, бу эса тавсия этилган даволаш усулларининг самарадорлигини баҳолашга имкон берди. Барча тадқиқотларда Хельсин Декларациясининг ахлоқий меъёрларига риоя қилинган ва беморлар тадқиқотда иштирок этишга розилик беришган.

Шундай қилиб, ушбу бобда клиник-статистик маълумотларни тўлиқ таҳлил қилишни таъминлайдиган УНСД билан хасталangan беморларни текшириш ва даволаш усуллари ва ёндашувлари очиб берилган. Олинган натижалар ва хulosалар ишлаб чиқилган даволаш усулларининг самарадорлигини хамда уларнинг беморларнинг ҳаёт сифатига таъсирини янада ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.


**«Дефектларни ўрнини босишнинг моддий-техник таъминоти ва усуллари»** номли учинчи боб сужб бўлакларини кам шикастли фиксациялаш элементларини ўз ичига олган дистракцион-фиксацион модулни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишга бағишлиланган. Ушбу модул Илизаров аппаратини қўллаш билан интеграцияланган (расм.1), бу сужб тўқималарига янада самарали таъсир кўрсатишга имкон беради. Ишлаб чиқилган модулни қўллаш натижасида узун найсимон сужкларнинг сужб дефектлари бўлган беморларни стационар даволаш муддатини қисқариши ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаши исботланган.

Илизаров қурилмаси билан интеграцияланган дистракцион-фиксацион модул (ДФМ) ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш ортопедик жарроҳлик соҳасида муҳим қадамдир. ДФМ сужб тўқималарига самарали таъсир кўрсатадиган кам травматик фиксациянинг инновацион элементларини ўз ичига олади. Бундай техник янгилик фиксация барқарорлигини яхшилашиб ва даволаш жараёни оптималлашибдишишга имкон беради, бу эса стационар даволаниш муддатини қисқартишиб ва узун найсимон сужкларнинг сужб дефектлари бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашиб олиб келди.

ДФМ ни Илизаров аппаратига интеграция қилиш жараёни пухта тайёргарликдан бошланади ва кўчирилаётган сужб бўлагини аниқ фиксациялашни ўз ичига олади. Бу нафақат яхшиланган барқарорликни, балки дистракция жараёнини назорат қилишни таъминлашиб учун қўплаб техник жиҳатларни ҳисобга олишни талаб қиласди. Беморларнинг асосий гурухида қўлланиладиган инновацион ёндашувлар ДФМ дан фойдаланишини ўз ичига олади, бу меҳнат харажатларини сезиларли даражада камайтиради хамда беморлар ва тиббиёт ходимлари учун қулайликни яхшилайди.

Остеотомия муолажасида асосий восита бўлган ишлаб чиқилган остеотом алоҳида эътиборга лойиқ. У кортикал сужб қатламининг қалинлигига мослашадиган, жарроҳлик аралашувининг қўшимча хавфсизлиги ва аниқлигини таъминлайдиган аниқ конструкцияланган

кесувчи қирра ва чекловчи майдонча билан жиҳозланган. Ушбу конструкция жарроҳга остеотомия жараёнини юқори аниқлик билан бошқариш имконини беради, бу эса атрофдаги юмшоқ тўқималар ва суюк қўмигининг шикастланиш хавфини сезиларли даражада камайтиради.




**1-расм.** Ишлаб чиқилган дистракцион-фиксацион модул схемаси

Ушбу бобда ҳар бир клиник ҳолатнинг индивидуал хусусиятларига мослаштирилган даволаш ва диагностика алгоритми тасвирланган. Ушбу алгоритм узун найсимон суякларнинг суюк дефектлари бўлган беморларни даволаш тактикасини аниқ аниқлашга қаратилган. Алгоритмнинг асосий хусусияти суюк дефектининг катталигига қараб операцион тактика усулини малакали танлаш орқали эришиладиган асоратлар хавфини минималлаштириш қобилиятидир.

Алгоритм лаборатор таҳлиллари ва рентгенография, КТ, МРТ каби инструментал тадқиқотлардан тортиб визуализация ва жарроҳлик аралашувни режалаштириш учун маҳсус дастурий ечимлардан фойдаланишга қадар сифатий ва миқдорий баҳолаш усулларини ўз ичига олади. Ташхис қўйиш симптомларни, касаллик тарихини, физик текширувни ва инструментал текширув усулларидан олинган маълумотларни комплекс таҳлил қилиш орқали аниқланади.

О2 кичик гуруҳига тегишли ишлаб чиқилган остеотомия муолажасини сезиларли даражада яхшилайдиган инновацион воситадир. Модификацияланган остеотомнинг асосий хусусиятларига аниқ конструкцияланган кесувчи қирраси ва инновацион чекловчи майдончаси


киради, улар биргаликда жарроҳлик аралашувнинг юқори аниқлигини таъминлайди. Остеотом дизайнини беморнинг шикастланишини минималлаштиради, бу эса уни замонавий жарроҳлик амалиётида қўллаш афзалигини таъминлайди.



**2-расм.** Ишлаб чиқилган остеотом схемаси

Чегараловчи майдончани ва кесувчи қиррасининг оригинал геометрияси жарроҳга остеотомияни юқори аниқлик билан бошқариш имконини беради, бу эса атрофдаги юмшоқ тўқималар ва суяк кўмигининг шикастланиш хавфини камайтиради. Бу нафакат тикланиш жараёнини осонлаштиради, балки беморларнинг реабилитациясини ҳам тезлаштиради. Остеотом чегараловчи майдончасининг баландлигини ва кесувчи қиррасигача бўлган масофани ўзгарувчанлиги туфайли турли хил жарроҳлик ҳолатларига мослаштирилиши мумкин, бу эса жарроҳларга ҳар бир аниқ ҳолат учун асбоб танлашда мослашувчанликни таъминлайди.

Найсимон суякларнинг остеосинтези учун ишлаб чиқилган стержен-шуруп жарроҳлик амалиётида инновацион восита бўлиб, даволаш натижалари ва беморнинг қулайлигини яхшилаш учун илфор технологияларни жорий этади. Ушбу стержен-шуруп суякларни деструкцияси жараёнини максимал даражада оптималлаштириш, терига зарарли таъсирларни минималлаштириш ва жарроҳликнинг умумий шикастланишини камайтириш учун мўлжалланган.



**2-расм.** Ишлаб чиқилган стержен-шуруп схемаси

Конструкция мустаҳкамлик ва мослашувчанлик комбинациясига асосланган. Ишчи уни яхши ишлаб чиқилган винтли кесма билан жиҳозланган бўлиб, у суяк тўқималарига аниқ ва бошқариладиган кириб боришини таъминлайди, атрофдаги тўқималарга заарар етказиш хавфини камайтиради. Кесиш қирраси тоза ва аниқ кесмани таъминлаш учун маҳсус

ишлиб чиқилган бўлиб, бу суяк матриксининг яхлитлигини сақлаш ва тикланиш жараёнини тезлаштириш учун жуда муҳимдир.

Маҳкамланадиган учи дистракцион таянч билан ишончли бирлашиши учун мўлжалланган. Маҳкамланадиган учининг метрик кесмаси стержен-шурупни бутун тикланиш даври давомида ўз жойида ушлаб туришга имкон беради, бу эса конструкциянинг силжиши ёки бўшашиши хавфини камайтиради. Масса марказлари силжиган цилиндрсизмон қисм ва қирралари айлана симметрик соҳалари терига босим ва ишқаланишни камайтириш учун маҳсус ишлиб чиқилган бўлиб, бу операциядан кейин ва тикланиш пайтида оғриқни сезиларли даражада камайтиради.

**«Такомиллаштирилган усул билан даволаш натижалари»** номли тўртинчи бобда операциядан олдинги текширув ва беморларни тайёрлаш, операциядан кейинги даврнинг хусусиятлари, узун найсимон суюклардаги дефектларни ўрнини алмаштиришнинг такомиллаштирилган техникасида даволаш натижалари, шунингдек, хатолар ва асоратлар ҳамда уларни олдини олиш ва йўқотиш чоралари муҳокама қилинади. Операциядан олдинги текширувда суяк ва юмшоқ тўқималарнинг ҳолатини батафсил тавсифлаш мақсадида остеомиелит билан оғриган беморлар учун тўлиқ рентгенография, фистулография, КТ ва МРТ, шунингдек, асаб ва қон томирларининг ҳолатини баҳолаш учун ЭНМГ ва ультратовуш текшируви киритилган. Операциядан олдинги тайёргарлик беморларни бўлажак даволаниш ҳақида хабардор қилишга қаратилган ва улардан даволаниш жараёнида фаол иштирок этишини талаб қиласди.

Операциядан кейинги давр беморларни учинчи кундан бошлаб фаоллашиши, физиотерапия муолажалари, нафас олиш гимнастикаси ва операция қилинган аъзога ўқ юкининг аста-секин ортиши билан тавсифланади. Спицалар ва стерженлар атрофидаги тўқималарнинг яллигланишини олдини олиш ва даволаш, шунингдек, контрактураларнинг ривожланишига йўл қўймаслик ва реабилитация жараёнини тезлаштириш учун беморларни эрта фаоллаштиришга алоҳида эътибор берилади.

Даволаш натижалари дистракцияни қулай бошқариш, суяк бўлакларини ишончли фиксациялаш ва асоратлар хавфини камайтиришни таъминлайдиган дистракцион-фиксацион модул ёрдамида такомиллаштирилган техниканинг юқори самарадорлигини намойиш этади.

Даволаш натижаларининг қиёсий таҳлили классик усулларга нисбатан ДФМ ва янги ишлиб чиқилган остеотомдан фойдаланишининг муҳим афзалликларини кўрсатади (1-жадвал). Дефектларни ўрнини алмаштириш учун анъанавий Илизаров аппарати ишлатилган назорат гурухида даволаш жараёни кўпроқ вақт талаб қиласди ва бошқариш қийин бўлган, бу стационар даволаниш давомийлиги ва натижаларни баҳолашга таъсир қиласди. Ётоқ кунларининг ўртача давомийлиги 63 кунни ташкил этди ва даволаниш натижаларини баҳолаш учун ўртача балл 22,4 ни ташкил этди, натижаларнинг эришилган статистик аҳамияти 0,05 дан кам.

Инновацион техникалар қўлланилган асосий гурухда натижалар сезиларли даражада яхшиланди. Ётоқ кунларининг ўртача давомийлиги 9,5

кунга камайди ва даволаниш натижаларини баҳолаш учун ўртача балл 24,1 га ошди. Даволаш сифатининг бу яхшиланиши стандарт оғишнинг камлиги билан ҳам тасдиқланади, бу эса бир хил натижаларни кўрсатади.

## 1-жадвал

### Дистракцион-фиксацион модул билан даволаш натижаларинг қиёсий таҳлили

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (классик усул)	Асосий гуруҳ (модификацияланган усул)
Беморлар сони, улардан:		
- Эркаклар	30	20
- Аёллар	6	6
Ётоқ-кун ўртача давомийлиги	63,0	9,5
Натижаларни баҳолашда ўртача балл	22.4	24.1
P-level	<0.05	<0.05
Стандарт оғиш	2.1	1.8

Айниқса сезиларли фарқ катта дефектларни ўрнини алмаштиришда кузатилди. Ишлаб чиқилган Остеотом ишлатилган гуруҳда 10-11 см дефектни ўрнини алмаштириш учун тикланиш вақти 105,7 кундан 100,5 кунгача қисқарди, стандарт оғиш эса 2,3 дан 1,8 кунгача камайди. Бу шуни кўрсатадики, янги технология нафақат даволаш жараёнини тезлаштиради, балки уни янада башорат қилинадиган ва хавфсиз қиласди.

